

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

2.2021

**научно-теоритический методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2021

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

	TAHRIR HAY’ATI:
JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN	ABDULLAYEV Bahrom, fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom, biologiya fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV Ilyos, iqtisod fanlari doktori, ABDULLAYEV Ravshanbek, tibbiyot fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV O‘tkir, tarix fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana, pedagogika fanlari doktori, professor, BERDIMUROTOVA Alima, falsafa fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek, tarix fanlari doktori, DO‘SCHONOV Tangribergan, iqtisod fanlari doktori, professor, ERMETOVA Jamila, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, HAJIYEVA Maqsuda, falsafa fanlari doktori, IBRAGIMOV Zafar, fizika-matematika fanlari nomzodi, IMOMQULOV Sevdior, fizika-matematika fanlari doktori, JO‘RAYEV Mamatqul, filologiya fanlari doktori, professor, JUMANIYAZOV Maqsud, texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otaboy, filologiya fanlari nomzodi, professor, KALANDAROV Aybek, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas‘ul kotib), NAVRUZOV Qurolboy, fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash, yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa’dulla, falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QUTLIYEV Uchqun, fizika-matematika fanlari doktori, professor, RO‘ZIMBOYEV Safarboy, filologiya fanlari doktori, professor, RO‘ZIYEV Erkinboy, pedagogika fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy, fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SADULLAYEVA Nilufar Azimovna, filologiya fanlari doktori, SAGDULLAYEV Anatoliy, tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San‘atbek, iqtisod fanlari doktori, professor, SALAYEVA Muxabbat Soburovna, pedagogika fanlari doktori, SATIPOV G‘oipnazar, qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rinbosari), YOQUBOV Jamoliddin, filologiya fanlari doktori, professor, O‘ROZBOYEV Abdulla, filologiya fanlari doktori, O‘ROZBOYEV G‘ayrat, fizika-matematika fanlari doktori, G‘AYIPOV Dilshod, filologiya fanlari nomzodi, dotsent.
JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI	
2021 2(164)	

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyala agentligida 2020-yil 11-noyabrda ro‘yxatdan o‘tgan. **GUVOHNOMA № 1131.**

MUNDARIJA

MATEMATIKA

Жураев Турсунбай Файзиевич. О различных типах однородности и топологических пространств....	3
Азаматов Азизбек, Бабажонов Алишер, Ражабов Хурсанд. О периодической цепочке тоды со свободным членом.....	14
Курбанов Ергаш Куролович, Абдухаликова Манзура, Файзуллаев Шерзод Усар ўгли. Декартова интерпритация задач на построение.....	20

FIZIKA

Муминов Рамзулло Абдуллаевич, Саймбетов Ахмет Кувачбекович, Тошмуродов Ёркин Кахраманович, Эргашев Гиёс Жураевич, Явкочлиев Махмуджон Отамуродович. Катта ўлчамли монокристал кремний асосида икки координат-сезувчанли детекторлар ишлаб чиқариш технологияси.....	23
Karshiev Sharif Sherkulovich. Куёш коллекторларини ўзини-ўзи дренаж қиладиган ва турли хил ша-роитларда мавсумий синаб кўриш энергия тежамкор инновацион яратилган лаборатория стен-ди.....	25
Madaliyev Akmaljon Maxammadjonovich. Zarralar fizikasidan amaliy mashg'ulotlarda fundamental o'z-aro ta'sir turlariga doir masalalar yechish.....	28

TARIX

Каримов Сарварбек Отабаевич. Ўрта Осиё минтақасида антропоген ландшафт таъсирида вужудга келган табиий-иқтисодий массивларнинг географик хусусиятлари.....	31
--	----

FALSAFA

Юсупов Шерматилла. Маънавий соғломлаштиришда ижтимоий ҳамкорлик.....	34
Хамроев Санжар Самиевич. Сиёсий глобаллашувнинг шаклланиш негизлари.....	39
G'apparov Elyorjon Otabekovich. Ijtimoiy innovatsiyalarning turlari va xususiyatlari.....	42
Ходжаев Сардор Боходирович. Инновация: илмий талқинлари ва моҳияти.....	44
Рахматова Мехриноз Мажитовна. Ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтиришнинг концептуал асос-лари.....	47
Эронов Самарбек Қурбонназарович. Маданият фалсафасида “Ишонч” ва “Ишончсизлик” ҳодисала-рининг ўзига хос талқини.....	50
Джуракулов Хусан Анварович. Ёшларнинг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини шаклланти-риш масалалари.....	54
Bobomurod Normatovich Boboyorov. Philosophical Analysis of Approaches of Interethnic Relations.....	56

TILSHUNOSLIK

Асадов Рустам Мўминович, Исломова Шохида. Изоҳловчининг синтактик парадигматикадаги ўрни хусусида айрим мулоҳазалар.....	62
Батирханова Мадина Ойбековна. Соматик фразеологик бирликларни лингвомаданий аспектда тад-қиқ этиш масалалари.....	64
Eshonqulova Gulrux To'raqulovna. Tilning sotsiolingvistik tabiati.....	68
Chi Daojia. The Contrastive Analysis of Chinese Prepositions and Corresponding Uzbek Auxiliaries/Af- fixes.....	71

ADABIYOTSHUNOSLIK

Эгамбердиева Нафиса Мустафаевна. Алишер Навоий асарларида гўзалликнинг бадиий-фалсафий талқини.....	80
Шукурова Зилола Юсуфовна. «Қисаси Рабғузий»нинг нодир қўлёзмаси тадқиқи ва таҳлили.....	83
Ходжиева Гавҳар Рамазоновна. Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна” шеърини драматик эрк ва озодлик ғояларининг бадиий ифодаланиши.....	85
Маматкулов Музаффар Раҳмонкулович. Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” достонида ирсол ул-масал санъати.....	90

Атаниязова Муборак Абдуллаевна. Ўзбек адабиёти босқичлари ва Олим Шарафиддиновнинг адабий-танқидий қарашлари.....	94
Файзиева Феруза Исмаиловна. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида илмий-адабий муҳит.....	98

PEDAGOGIKA

Юсупов Азат Атаханович. Давлат тили таълимида замонавий ўқув топшириқлари.....	102
Жуманазаров Умид Умрзоқович. “Таълимни рақамлаштириш муҳити”га ўтишнинг долзарблиги ва зарурияти.....	105
Ходжаниязов Сардор Умарович. Паҳлавон Маҳмуд ижодида ахлоқий-маънавий тарбия масалалари.....	108
Mamatqulova Nilufar Fayzullaqulovna. Xorijiy tilni o‘qitishda til kompetensiyalarining asosiy xususiyatlari.....	112
Қурбонова Дилноза Арслановна. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларда маданиятлараро бағрикенгликни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик асослари.....	115
Abdirasulov Lochinbek Xusniddinovich. Abu Muin Nasafiy qarashlarining ilm-fan taraqqiyotida tutgan o‘rni.....	117
Qosimjonov Ro‘zali Vohidovich. Fanlararo bog‘lanishning ayrim masalalari.....	120
Мусурманкулова Мадина Носировна. Реализация педагогических условий развития и совершенствования сопоставительно-диалектологической компетенции будущих учителей посредством изучения диалектной системы двух народов.....	122

ILMIY AXBOROT

Nigora Kadirova. Lotin tilidan o‘zlashgan qishloq xo‘jaligiga oid so‘zlarning tarixiy-etimologik tavsifi.....	126
Исакова Юлдуз. Эмоционалликнинг аффиксация усули билан ифодаланиши.....	129
Жамолитдинова Дилноза Мирҳожидиновна. Бадиий матнда терминлар лингвокультуреда сифатида.....	132
Муҳаммадалиева Мадина. Ўзбек тили касб-хунар номлари семантик микромайдонининг лисоний тавсифи.....	134
Қурбонова Гулсара Содиковна. Француз тилидаги антропоним компонентли фразеологизмлар этимологияси.....	137
Gulyamova Ozodaxon Shavkatovna. Ingliz tilidan rus va o‘zbek tillariga tarjimaning ba‘zi leksik xususiyatlari.....	141
Каримова Мадина Сайдулла қизи. Ўзбеклар мулоқотида хушмуомалалик – мулозамат феномени.....	144
Расулмухамедова Дилфуза. Бадиий адабиёт ва унда тарбиянинг ўрни.....	147
Ачилова Рисолат Аъзамовна. Ғарб адабиётидаги айрим антономазияларнинг семантик хусусиятлари.....	149
Юнусова Барчин. “Алпомиш” достонидаги добонбий ва алпинбий антропонимлари хусусида.....	152
Норов Отажон. Абдулла Орипов лирикасида мавзу ва ғоя бирлиги.....	154
Nurjanov Oybek Erkin o‘g‘li. Xalqning turmush tarzini ifodalashda etnografizmlarning o‘ziga xos xususiyatlari.....	158
Тўйчиев Абдунаби Худойбердиевич. Бадиий тўқима ва ҳаётий факт.....	160
Бобожонова Назокат. Ўзбек адабиётида Юсуф Алайхиссалом қиссасининг ижодий талқинлари ва унинг ўрганилиши.....	163
Исраилов Аббосбек Адилжанович. Ўзбекистонда бошқарув тизимидаги ислохотлар: натижалар ва истиқболлар.....	168
Қурбонова Моҳигул Шониёзовна. Мусиқани бадиий ҳис этиш орқали болаларда ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг ўзига хослиги.....	172
Махаммадиев Акмал Ахтамович. Жисмоний тарбия ва спортда “Допинг” муаммоси ва унга қарши курашиш йўллари.....	175
Tursunov Shavkat Serabovich. Maydalash mashinalarining samaradorligini baholash kriteriylarining tahlilini o‘rganish.....	179

Аслонов Норкул Раббонаевич. Обоснование рациональных значений основных параметров отвала бульдозера для разравнивания твердых бытовых отходов.....	182
Ибатова Амира Шавкатовна. Анализ объема понятия предикации лексемы «Хлеб».....	186
Югай Евгении Викторовны. Генезис представлений о цифровой культуре и духовной сфере жизни общества в истории социально-философской мысли.....	188
Тоирова Дилфуза Файзуллаевна. Специфика художественной типизации персонажей Бальзака...	192
Raxmonberdiyeva Feruza Abduhoshim qizi. Comparative Analysis of Compounds Describing Human Character in English and Uzbek Languages.....	194

Жалойир:
Раҳму шафқат сўрамайман ҳеч қачон,
Ном қолади, тўкилади қатра қон.
Жаҳаннамга мен ҳаммангни тортаман,
Гуноҳингни тоғ-тоғ қилиб ортаман.
Омбир билан узиб олиб тилингни,
Болта билан майдалайман қўлингни.
Сен ўзингнинг қисматингни мендан сўр,
Кўнглингга хуш келганини қилиб кўр.¹

Жалойир дунё ва инсонни яратишдаги мўъжизаларни ҳикоя қилаётганда халқ орасида пайдо бўлган Муқанна унинг диққатини жалб қилади. Аввало, Жалойир Муқаннани танимайди, унга оддий бир исёнчи сифатида қараб, эътибор бермайди. Лекин Муқанна зўр эҳтирос ва жўшқинлик билан дин ва диндорларнинг одамлар бошига солган ҳисобсиз кулфатларини, ислом динини ёйиш ишлари остида халқнинг инсоний ҳукуки ва эрки араб босқинчилари томонидан ваҳшиёна поймол қилинишини айтганда, Жалойир қаҳр-ғазабга тўлади. Ҳақиқат олдида доводирайди, аммо ўзини ушлаб олади-да, Муқаннани асир қилишга буйруқ беради. Бундай хатти-ҳаракатлари билан у халқ олдида асл мақсадини намоён қилади. Чунки халқ уни, дастлаб, юмшоқ, раҳмдил, олижаноб ва самимий бир инсон деб тасаввур қилган эди. Аммо унинг «олижаноблиги» бир ниқоб эканлиги фош бўлади. Халқ Жалойирнинг сиёсатини, мақсадини тушуниб етади. Ислом динига топинишга ташвиқот қилувчи Жалойирни ўлимга ҳукм қиладилар.

Пьесадаги ҳаракат Муқанна бошлиқ ватанпарварларнинг курашда мағлуб бўлиши билан ниҳоясига етса-да, лекин Ҳамид Олимжон асарни чуқур ва ҳаётбахш оптимистик руҳ билан тугатган. Бу ижобий қаҳрамонларнинг зўр ирода кучида, душманга асир тушишида, ўз озодликлари йўлида ўлимдан тап тортмасликларида, келажакда ҳам босқинчиларга қарши курашни ғалабага қадар тўхтатмасликлари каби ғояларида ўз аксини топади. Эркпарвар Муқанна кетидан унинг сафдошлари Ғирдак, Богий, Хишрий, Кулартагинлар мардона кайфиятда ўзларини тандирда ёниб турган оловга ташлайдилар ва босқинчилар қўлига тушишдан ихтиёрий ўлимни афзал кўрадилар. Шу вазиятда айтилган Муқаннанинг руҳпарвар сўзлари алоҳида жасорат нидоси бўлиб янграйди:

Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ.
Мен элимнинг юрагида яшайман
Эрк деганнинг тилагида яшайман.²

Шу тарика, Ватан уруши йилларида ўзбек адабиёти ғоя ва мавзу жиҳатидан бойиди. Унинг кўзга кўринарли ютуқларидан бири драматургиямизда замонавийликнинг чуқурлашуви ва ҳарбий мавзунинг кенг ўрин олиши билан изоҳланади.

Хулоса. Адабиётимизда тарихий шахслар образини яратишга уриниш анча йиллардан бери давом этиб келмоқда. Уларнинг бадиий образларини адабиётда биринчилардан бўлиб яратишга қўл урган Ҳ.Олимжоннинг «Муқанна» шеърий дарамаси ўзбек адабиётида мазкур жанрнинг ривожланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди, айти пайтда, драма Муқаннадек эрк ҳимоячиларининг образларини ўзбек драматургиясида илк маротаба яратган асарлар сифатида ҳам қадрлидир. Адабиётшуносларимиз ва адабий танқид томонидан юқори баҳоланганлиги асарнинг бадиий мезон талаблари жиҳатдан мукаммал эканлигини асослайди.

Ҳ.Олимжоннинг ушбу асари гарчи бундан анча йиллар илгари ёзилган бўлса-да, ёшларимизни буюк боболаримиздан фахрланишга ўргатиш, улардан ибрат олишга даъват этишда ҳам амалий аҳамиятга эга.

Маматқулов Музаффар Раҳмонкулович (ГулДУ доценти)

НИШОТИЙНИНГ “ҲУСН ВА ДИЛ” ДОСТОНИДА ИРСОЛ УЛ-МАСАЛ САНЪАТИ

Аннотация. Мазкур мақола Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” достони бадиияти масалаларини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда шоирнинг ирсол ул-масал санъатидан фойдаланиш маҳорати таҳлил этилган. Ушбу масаланинг ҳал қилиниши, биринчидан, тадқиқ қилиналаётган романтик

¹ Шу манба. 62-бет.

² Шу манба. 111-бет.

достон моҳиятини яна-да яққолроқ очилишини таъминласа, иккинчидан, унинг ўзига хос томонларини ёритишига ҳам хизмат қилади.

Аннотация. Данная статья посвящена вопросам изучения художественности эпоса “Хусн и Дил” Нишати, в котором анализируется мастерство использования ирсал ул-масала поэтом. Решение этой проблемы, во-первых, обеспечивает более четкое понимание сути исследуемого романтического эпоса, а во-вторых, служит для раскрытия его особенных сторон.

Annotation. This article is dedicated to the study of the artistry of the epic “Husn and Dil” Nishati, which analyzes the skill of using irsal ul-masal by the poet. The solution to this problem, firstly, provides a clearer understanding of the essence of the romantic epic under study, and secondly, serves to reveal its special aspects.

Калим сўзлар: достон, образ, ирсал ул-масал, достон бадиияти, шоир маҳорати.

Ключевые слова: эпос, образ, ирсал ул-масал, художественность эпоса, поэтическое мастерство.

Key words: dastan, image, irsal ul-masal, artistry of dastan, poetic skill.

Байтлар таркибида мақоллардан фойдаланиш ҳам шеърини санъат ҳисобланиб, у ирсал ул-масал деб аталади. Ирсал ул-масал эса “мақол юбормок”, яъни байтда мақол қўллаш маъносини англатиб, поэтик усул сифатидаги моҳияти байтлар замирида берилаётган фикр, ғоя ёки мулоҳазани мақол билан тасдиқлашдир.

Нишотийнинг “Хусн ва Дил” достонида халқ мақоллари ўзига хос вазифалар бажариши нуктаи назаридан, алоҳида аҳамият касб этади. Шоир қахрамонлар нутқида мақоллар қўллаш билан биргаликда, воқеа-ҳодисалар изоҳи ёки тавсифини беришда ҳам уларнинг имкониятидан унумли фойдаланади. Бу эса достоннинг жозибали, қахрамонлар нутқининг таъсирчан, тасвирланаётган ҳодисанинг образли ифодаланишида муҳим роль ўйнайди. Достондаги мақолларни қўлланилиш доирасига кўра иккига ажратиш мумкин. Шоир, дастлаб, мақолларни тўғридан-тўғри асли қандай бўлса, шундайлигича достонга киритади. Айрим ўринларда эса мақолларнинг мазмуни сақланган ҳолда, шеърини вазн талаби билан мисралар мазмуни замирига сингдирилади.

Достонда Ғам ва Ақл образлари ўртасидаги суҳбат анчагина зиддиятларга бой тарзда кечади. Ишқнинг вакили сифатида Ақл ҳузурига келган Ғам ҳукмдорнинг ҳурматини жойига қўймайди, ҳатто унга таъзим этишни ҳам лозим кўрмайди. Айтган гаплари ҳам Ақлнинг нафсониятига тегишига сабаб бўлади. Шундан кейин у сабру бардош билан қуйидагича йўл тутайди:

Ақл деди ангаки: – Эй ёвағў,
Айлама ҳузён сўз ила ғуфтуғў.
Сўйгай эдим тутмаса бу сўз йўлим,
Ким, дер улус элчига йўқтур ўлум.¹

“Элчига ўлим йўқ” мақоли халқимиз орасида кенг қўлланилиб келади. Бу мақол қадимдан турли халқлар орасида қонун даражасига кўтарилган одатнинг самараси натижасида пайдо бўлганлиги барчага маълум. Рақиб томондан келган элчи иккинчи томон билан бирон-бир масалани муҳокама қилиш ёки сулҳ тузиш ёки аксинча, шарт қўйиш каби вазифаларни бажаради. Агар элчи ўлдириладиган бўлса, биринчидан, қонунга, иккинчидан, инсонийлик мезонларига тўғри келмайди. Шу сабабли элчини ҳар қандай вазиятда ҳам ўлдирмаслик адолатлилик нуктаи назаридан баҳоланган. Ақлшоҳ қанчалик аччиғланса-да, ўша қадимий анъанага амал қилган ҳолда, ўз нутқида элчига мақолни эслатиб қўйишни лозим ҳисобламакда.

Мақол билан зийнатланган мисралардан яна бири Рақиб образи билан боғлиқ жараёнлар тасвирида кўринади. У қора кучларнинг бошлиғи, туғи ҳам қора рангда бўлиши билан биргаликда, лашкари ҳам қора кийинган, умуман, ёвузлик Рақибнинг асосий фаолиятида мужассам эди:

Туғи анинг бор эди андоқ гуроз,
Ҳашр кунидан қади эрди дароз.
Чунки эрур эларо бу хушқалом,
Ўхшамаса мол эгасига – ҳаром.²

Кўринадик, сўнгги мисрада “Мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлади” мақолидан фойдаланилган. Кўчма маънодаги мазкур мақол Рақиб образига хос барча салбий иллатларни юзага чиқараяп-

¹ Нишотий. Хусн ва Дил. Лирика. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967, 207-бет.

² Нишотий. Ўша китоб. 214-бет.

ти. Унинг лашкари таркибидаги одамлар ҳам феъл-атвори, умуман, барча ёмон қусурлари билан Рақибдан қолишмасди. Шу жиҳатдан қараганда, Рақиб ва унинг лашкари бир-бирига жуда мос эди. Мақол эса ўз ўрнида ана шу ўхшашликни таъминловчи асосий омил сифатида хизмат қиляпти.

Фуод образига алоқадор воқеалар тасвири, айниқса, унинг муҳаббати билан боғлиқ жараёнлар ифодасида шоир мақолнинг имкониятидан усталик билан фойдаланади. Мақол унинг руҳий дунёсини очишда ҳам катта роль ўйнайди. “Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади” деган мақол бор. У кўчма маънода бирон-бир ёмонлик ёки жиноятни яширган билан бир куни, барибир, ошкор бўлади мазмунида ҳам қўлланади. Бу мақолнинг халқимиз орасида вариантлари ҳам кўп. Нишотий унинг ўз даврида кенг истеъмолда бўлган бир неча вариантларини мисралар мазмунига сингдиришнинг уддасидан чиқа олган ҳолда, гўзал мисралар яратишга ҳам муваффақ бўлади:

*Гарчи эди шавқ ўти ичда ниҳон,
Ашк суйи юз уза эрди аён.
Ушбу масал даҳрға машҳур эрур,
Борча лисон аҳлига мазкур эрур.
Мушкни гар сақласанг элдин ниҳон,
Қилғусидур иси, уқ они аён.
Мушк ила ишқ ўлмагуси ёшурун,
Зоҳир этар ўт бор эконни тутун.
Субҳ неча меҳрини ахфо қилур,
Даҳрға совуғ дами ифшо қилур.¹*

Шавқ ўти қанчалик яширин бўлса-да, юздаги кўз ёши унинг шунчалик “ўтли” эканлигидан дарак бериб турибди. Барча яхши биладиган машҳур бир мақол бор: “Мушкни яширсанг, хиди ошкор қилади”. Шоирнинг фикрича, мушк ва ишқни яшириб бўлмайди. Чунки бу олов ёқилганини тутуни ошкор қилгандай бир гап. Бу эса тонг меҳрини яширгани билан салқин шабадаси ошкор қилганига ёки уфқда куёш чиққанини дунё аҳли заррин нурларидан билиб олганига ўхшайди.

Фуоднинг Ҳуснга бўлган муҳаббати ҳамда Фуод ва Ҳусн билан боғлиқ воқеалар тасвири дoston композициясида ўзига хос ўрин тутди. Айниқса, улар ўртасидаги самимий суҳбатлар алоҳида ажралиб туради. Бу суҳбатлар асносида, турли базмлар ҳам уюштирилади. Дастлаб, Ҳусн Фуодни яхшилаб меҳмон қилади. Унга ўз қўлидан май ичишни ҳам таклиф этади. Майни ичгандан сўнг Фуод Ҳуснга мурожаат қилади:

*Десам они жоми муҳаббатни ол,
Жом ила бу роҳи маваддатни ол!
Лек демиш кимсаки диққатлидур:
“Ош эгоси бирла еса тотлидур”.²*

Фуоднинг нутқидаги “Ош эгаси билан шириндир” мақоли Ҳусннинг ҳам муҳаббат майини ичишига даъват қилаётганлигини билдиради. Шундан сўнг Ҳусн ҳам талабни бажариб, самимий эътирозни йўққа чиқаради.

“Ҳусн ва Дил” достонида жанг лавҳалари акс эттирилган тасвирлар ҳам анчагина учрайди. Уларда қаҳрамонларни идеаллаштириш, уларнинг жанг маҳоратини кучайтириш билан боғлиқ ҳолатлар тасвирида ирсол ул-масалнинг ўрни бошқа бадий тасвир воситаларидан кам эмас. Жанг билан боғлиқ вазиятларни ижобий тарафга ўзгартиришда бош образларнинг қаҳрамонликлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Улар урушга кириши биланок, ғайритабiiй куч-қудратга эга бўлган ҳолда, жанг тизгинини ўз қўлига олади ва натижада ғалабага бўлган ишонч орта боради. Шундай ўринларда шоир мақоллар ёрдами билан ўз фикрларини асослашга ҳаракат қилади.

*Урди ўзин лашкари фаттонаро,
Тушти бир ўт ҳайли найистонаро.³*

Жангчининг ўзини лашкар орасига шамолдай уриши ҳодисаси тўқайга ўт тушгандаги ҳолатга қиёсланмоқда. Агар тўқайга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнганидек, паҳлавоннинг урушга шиддат билан кириши ҳам душман лашкарининг барчасига бирдек қирон келтира олади.

¹ Нишотий. Ўша китоб. 243-бет.

² Нишотий. Ўша китоб. 265-бет.

³ Нишотий. Ўша китоб. 326-бет.

Мақол ёрдамида образлилик ҳосил қилиш ҳодисаси Назарнинг Рақиб қўшини билан бўлган жангдаги тасвирларда ҳам кузатилади:

*Сабр чекиб лашкараро тиги тез,
Айлар эди ҳар ёна андоқ ситез.
Шуъла найистонаро қилгой гузор,
Сар-сари офат ўлубон онга ёр.¹*

Кўриниб турибдики, “Тўқайга ўт кетса, ҳўлу курук баравар ёнади” мақоли мазмуни мазкур мисралар моҳиятига чуқур сингдирилган. Қамишзорга тушган чўғ кучли шамол натижасида қанақа даражадаги катта офатга айланса, Назарнинг қилич билан жангга киришиши ҳам шундан кам эмас эди.

Достонда турли мавзуга оид кўплаб мақолларни учратиш мумкин. Бу мақоллар шоирнинг поэтик мақсадидан келиб чиққан ҳолда, турли воқеа-ҳодисалар тасвири жараёни ёки образларнинг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ вазиятларга мос равишда қўлланилади. Улар орқали ифодаланаётган фикрлар тасдиқланади ёки салбий қарашлар инкор этилади. Шоир достонда Рақибнинг қилмишларини қаттиқ қоралайди. Унинг ножўя ҳаракатлари ўзини ҳам жарга олиб боришини алоҳида уқдиради. Воқеалар ривожидан давомида Рақиб ёмонликларига муносиб тарзда жазоланади:

*Кимки қозар йиқмоқ учун элни чоҳ,
Ўзи бўлур чоҳаро ногаҳ табоҳ.
Ушбу масал бордурур эл ичра фош,
Зоҳири равшан эрур андоқ қуёш.
Кимки қозар оқибат ул тушгуси,
Кимки ёқар охир ўшул пишгуси.²*

Кимсаларга ёмонликни раво кўрадиган одамнинг, албатта, ўзи унга гирифтор бўлиши тарғиб этилаётган “Бировга чоҳ қазисанг, унга ўзинг йиқиласан” мақоли Рақибнинг қиёфасини тўлиқ гавдалантиради.

Рақибнинг қизи бўлган Форуқанинг иши ҳам жодугарликлардан иборат. У ҳам қилмишига яраша жазосини олади:

*Кимки биров қасдига ўтни ёқар,
Чарх они ул ўт уза охир ёқар.
Ранжу ситам тухмини экса бирав,
Урғусидур ҳам они вақти дарав.³*

Бировга қасд қилиб, ўт ёксанг, унга ўзинг куясан ёки кимгадир ёмонлик тилаган одам охир-оқибат ўзи жазоланади мазмунидаги “Ранжу ситам уруғини эксанг, ўроқ пайти у ҳам ўрилади” мақоллари Форуқа образи билан боғлиқ жиҳатларга тўлиқ мос келиши шоирнинг мақолларнинг бадий ижоддаги имкониятларини тўлиқ юзага чиқара олганлигининг тасдиғидир, дейиш мумкин.

Халқимиз орасида “Танимасни сийламас” мақоли ҳам кўп ишлатилади. Бу мақол XVIII асрда ҳам кенг истеъмолда бўлганлигидан “Ҳусн ва Дил” достони дарак беради:

*Халқи жаҳон мутталиъ огоҳ эмас,
Тонимогон сийламаса айб эмас.⁴*

Рақиб нутқида ўз айбларини яшириш учун ушбу мақолни мисол сифатида келтиради. Чунки Рақиб Фуод ва Назарни камокка олиб, уларни йўқотиш пайига тушган эди. Ҳимматнинг сўроқларига жавоб тарзида айтилган гаплардан келтирилган мазкур мисралар Рақибнинг ўзига хос айёрлигидан ҳам далолат беради.

Умуман, халқ мақоллари, матал ва ҳикматли сўзлар Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил” достони тилини безаб туради, унинг ғоявий мазмунини бойитишга, бадий қимматини оширишга хизмат қилади. Достон муаллифи бўлган Нишотий халқ дурдоналари имкониятларини яхши англаган ҳолда, воқеа-ҳодисалар изоҳи ёки қаҳрамонлар нутқида мақоллардан кенг фойдаланадилар. Бу орқали ифодаланаётган фикр ва мулоҳазалар тасдиғида халқимизнинг узоқ йиллар давомида тажрибасида синовдан ўтган мақоллар жуда қўл келади.

¹ Нишотий. Ўша китоб. 327-бет.

² Нишотий. Ўша китоб. 329–330-бетлар.

³ Нишотий. Ўша китоб. 329-бет.

⁴ Нишотий. Ўша китоб. 329-бет.